



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG'OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

**Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy**

2021 -yil 20 - aprel

831u -son

Bog'ot shaharchasi

Фуқаро Кенжаев Ойбек  
Рўзибоевичнинг турар жой биносига  
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш  
тўғрисида

Боғот тумани “Маънавият” маҳалласида яшовчи фуқаро Кенжаев Ойбек Рўзибоевичнинг “Маънавият” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 16 мартдаги ШЯ-Қ-1093-сонли аризасини, “Маънавият” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Хоразм вилояти бошқармасининг Боғот туман филиалининг 2021 йил 15 мартдаги 838-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Маънавият” маҳалласида жойлашган 8 (саккиз)та хонадан иборат, яшаш хоналари 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 111,06 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 74,38 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 185,44 квадрат метр, қурилиш ости майдони 246,4 квадрат метр, умумий ер майдони 1319,7 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Кенжаев Ойбек Рўзибоевичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Кенжаев Ойбек Рўзибоевичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси

“Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳукуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Кенжаев Ойбек Рўзиевичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Богот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев